

Бўлажак Бошланғич Синф Ўқитувчиларининг Ўқув-Танишув Амалиётини Ташкил Этиш Ва Ўтказиш Методикаси

Muhsinjon Mamadalievich Yusupov

Kokand DPI senior teacher

Article Information
Received: January 05, 2022
Accepted: February 06, 2023
Published: March 09, 2023
Keywords: ўқув амалиёти, пассив амалиёт, кириши конференцияси, якуний конференция, бошлангич синф бакалаври, касбий мослашув муаммолари, ўқув амалиётининг янги модели.

ABSTRACT

Ўқув-танишув амалиёти бошлангич таълим йўналиши бакалаврлари ўқув режасининг ажралмас қисми бўлиб талаба амалиёт даврида ўзи танлаган педагогик касби, унинг моҳияти, мазмуни ва умумий ўрта таълим мактабининг таркибий қисми ҳақида дастлабки БМК лари ўзлаштириб олади. Мақола педагогика ОТМ ларида ўқув-танишув амалиётини ташкил этиши шакллари, ўтказиш методикаси, муддати ва бўлажак ўқитувчиларнинг янги шароитда ўз-ўзини ривожлантириши ва ўз-ўзини тарбиялаши, фанларга оид компетенциялар ҳосил қилиши ҳақида.

Олий таълим соҳасида таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар педагогика ОТМ ларида ҳам таълим мазмунини такомиллаштиришни ва оптималлаштиришни, замон талабларига жавоб берувчи мутахассис ходимларни тайёрлашни талаб этмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикасидаги ОТМларининг кредит-модул тизимида ўтиши таълим мазмунини акс эттирувчи ҳужжат бўлган ўқув режа, фан дастури, дарслик ва ДТС ларни такомиллаштиришни, ривожланган мамлакатлар даражасида рақобатбардош мутахассислар тайёрлашни тақозо этмоқда. Ўзбекистонн 2030 йилгача ривожланган мамлакатлар қатори кириши учун таълим соҳасида туб ислоҳотлар олиб боришни талаб этади. Бу масаланинг долзарблиги Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 20 декабрдаги мамлакат парламентига йўллаган Мурожаатномасида 2023 йилни “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилганлиги бу вазифанинг долзарблигини кўрсатади. Президент ўз нутқида “Биринчи навбатда эътиборни Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-куватлашга қаратамиз. Нажот - таълимда, нажот - тарбияда, нажот – билимда. Чунки барча эзгу мақсадларимизга билим ва тарбия туфайли эришилади.” деб таъкидлаб ўтди.

Юқори сифатли таълим албатта умумий ўрта таълимнинг пойдевори бўлган бошланғич синфдан бошланади. Бошланғич синф ўқитувчисининг академик билими, касбий компетентлиги, мобиллиги, педагоги-психологик билими келажак яратувчиси бўлмиш болаларни тарбиясида мухим аҳамият касб этади. Бундай кадрларни тайёрлаш ОТМ ларда назарияни амалиёт билан бирга олиб боришни, фанлар мазмунини интеграциялаш заруртятини юзага келтиради.

Ўқув амалиёти 60110500-бошланғич таълим йўналиши ўқув режасидаги 3-блок фанлар категорига кириб унга 5 кредит (2022-2023 ўқув йили учун берилган ўқув режада ўқув амалиёти учун 1 курслар учун 1- семестрда 3 хафта (90 соат 3 кредит), 2 – семестрда 2 хафта (60 соат 2 кредит) вақт ажратилган. Одатда ўқув амалиёти маълум бир фанлар тугагандан сўнг шу фанлардан олинган билимларни(маъзуза, семинар, амалий машғулотлар) мустаҳкамлаш учун олиб борилади. Бу ўқув йилидан бошлаб мажбурий бўлган “медиасаводхонлик ва ахборот ҳафсизлиги”, “мутахассисликка кириш”, “бошланғич талимда тарбия”, “умумий психология” каби фанларнинг ўқув режага киритилиши бакалаврнинг ўқув амалиётида билиши зарур бўлган компетенцияларини белгилаб берди.

Ўқув-танишув амалиётини муваффақиятли ўтиши учун бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари юқорида қайд этилган фанлар юзасидан малакавий талабларда шаклланиши зурур бўлган қуйидаги компетенцияларга эга бўлиши зурур:

Компетенциялар	Ўзлаштилиш зарур бўлган компетенциялар мазмuni
Умуммаданий компетенция-УК-1	Илмий-дунёқарашни шакллантириш учун фалсафий ва ижтимоий-гуманитар билимлар асосларидан фойдаланиш малакаси.
Умуммаданий коипетенция-УК-4	Шахслараро ва маданиятлараро масалаларни ҳал қилиш учун миллий ва хорижий тилларда оғзаки ва ёзма шаклда мулоқот қила олиш кўникмаси
Умумкасбий компетенция-УКК-1	Ўзи танлаган касбининг келажақдаги ижтимлий аҳамиятини англаб етиш, педагогик фаолиятни амалга олишга тайёрлик ўзида рағбат уйғота олиш.
Касбий коипетенция-КК-1	Умумий ўрта таълим ДТС талаблари бўйича ўқув дастурида кўрсатилган фанларни амалга оширишга тайёрлик.

Амалиёт даврида талабада шакллантирилиши режалаштирилган зарурий компетенциялар таркибиغا қуйидагиларни киритиш мумкин:

Ўзлаштилиш зарур бўлган компетенциялар мазмuni	Режалаштирилган таълим натижалари
УК-1 Илмий-дунёқарашни шакллантириш учун фалсафий ва ижтимоий-гуманитар билимлар асосларидан фойдаланиш малакаси.	Билиш: фалсафий ва ижтимоий-гуманитар категориялар ва низомларни Кўникмага эга: ўқув режадаги бошқа фанларини ўрганиш учун билим фалсафий ва ижтимоий-гуманитар фанлардан фойдалана олиш Кўллашни малакасига эга: илмий дунёқарашни шакллантириш учун фалсафий ва ижтимоий-гуманитар асосларидан билимга
УК-4 Шахслараро ва маданиятлараро масалаларни ҳал қилиш учун миллий ва хорижий тилларни етарли миқдор даражасини;	Билиш: шахслараро ва маданиятлараро ўзаро таъсиrlарни ҳал қилиш учун миллий ва хорижий тилларни етарли миқдор даражасини; Кўникмага эгалик: шахслараро ва маданиятлараро ўзаро таъсиrlарни ҳал қилиш учун миллий ва хорижий тилларни оғзаки ва ёзма шаклини; Кўллаш малакасини: шахслараро ва маданиятлараро муаммоларнинг ўзаро таъсиrlарни ҳал қилиш учун миллий ва хорижий тилларни оғзаки ва ёзма мулоқат қилиш шаклидан фойдалана олиш.
УКК-1 Ўзи танлаган касбининг	Билиш: таълимнинг ижтимоий вазифалари ҳақида ва

<p>келажақдаги ижтимлий аҳамиятини англаб етиш, педагогик фаолиятни амалга олишга тайёрлик ўзида рағбат үйфота олиш.</p>	<p>ўқитувчилик касбининг ижтимоий аҳамияти, ўқитувчининг асосий фаолият тури ҳақида; касбий фаолият жараёнда ўқитувчининг ўз имкониятларини сафарбар эта олиш имкониятларини: қўникмага эгалик: тегишли касбий педагогик фаолиятда турдош фанларнинг ўзпро аловадаорлигини аниқлай олиш; турли касбий масалаларни ҳал қила олиш;</p>
<p>КК-1 Умумий ўрта таълим ДТС талаблари бўйича ўқув дастурида кўрсатилган фанларни амалга оширишга тайёрлик.</p>	<p>Билиш: таълим жараёнининг моҳияти ва таркибини; ўқув – тарбиявий жараёнларда замонавий таълим ресуссларини қўллай олиш малакаси.</p>

1-курсдаги ўқув амалиётини ўташ даврида муваффақияли ўзлаштирилган БКМ лар ва компетенциялар келгуси курсларда ўтиладиган фанларни самарали ўзлаштиришгагина асос бўлмай, балки педагогик ва дипломолди амалиётининг муваффақиятнина таъминлайди. Талаба ўқув-танишув амалиёти давомида касбий меҳнат жараёнини мустақил ташкил эта олиш, педагогик жамоада фаолият олиб бориш қўникмасига эга бўлиши ҳамда ташкилий ишларда иштирок этиши ва керакли қарорлар чиқара олиши талаб этилади.

Ўқув-танишув амалиёти ОТМ ларида таълимни ташкил этишнинг шаклларидан бири бўлиб 60110500-бошланғич таълим йўналиши бакалаврлари учун институтнинг ўқув базасида (институтга қарашли мактаб, лицей, гимназия) ёки давлат умумий ўрта таълим мактабларида шартнома асосида ўtkазилиши мумкин. Ўқув-танишув амалиёти кафедрадан бириктирилган услубчи томонидан бошқарилади. Амалиётнинг асосий мақсади қўйидагилардан иборат:

- бошланғич синф ўқитувчиси касби ҳақида яхлит тасаввурлар шакллантириш;
- таълим муассассининг ҳуқукий-меърий ҳужжатлари, умумий ўрта таълимнинг ДТС лари, таълимга оид хукumat қарор ва лойиҳалари билан таништириш;
- кабий этикани шакллантириш;
- мустақил ишлаш жараёнида шахсий тажрибага эга бўлиш;

Қўйилган мақсаддан амалиётнинг вазифалари келиб чиқади. Амалиётнинг умумий вазифаси: таълим муассасининг (умумий ўрта таълим мактаби, лицей, гимназия) ташкилий жиҳатлари билан таништириш:

- ✓ уларнинг фаолият мақсади ва таркиби билан;
- ✓ таълим муассасасининг фаолияти билан (ўқув, тарбиявий, илмий-тадқиқот);
- ✓ таълим муассасаси ходимларини танлаб олиш ва уларнинг касбий фаолиятини баҳолаш механизmlари билан тиништириш;
- ✓ таълим муассасасининг техник жиҳозланиши билан таништириш (мультимедија, ўқув-услубий манбадар в.б.);
- ✓ таълим муассасасида мавжуд инновацион лойиҳалар билан;
- ✓ бошланғич синф хоналарининг жиҳозланиши, уларга қўйилган талаблар ва ҳужжатлари билан;
- ✓ бошланғич синф ўқитувчисининг иш шароитлари ва касбий ривожланиши учун яратилган имкониятлар, илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибалари билан таништириш.

ОТМ ларда ўқув-танишув амалиёти амалиётнинг бошланишига бағишлиланган анжуман билан бошланиб, унинг мазмунига амалиётнинг мақсади ва вазифаси билан талабаларни таништириш, талабларни мактабларга таксимлаш ҳамда амалиёт даврида олиб бориладиган ташкилий-услубий ишлар, педагогик-психологик фаолият ҳақида тушунчалар бериш киради.

Ўқув-танишув амалиёти давомида кафедра томонидан биринчирилган амалиёт раҳбари амалиётчиларга мавзувий ҳамда ташкилиш ишлар бўйича маслаҳатлар бериб боради. Ўқув амалиёти давомида амалиётчи институтнинг ИТ марказида, АРМ да ва кафедранинг амалиётга оид манбаларидан дидактик материаллар олишда ва услубий ишларни ўрганишда фойдаланиши мумкин.

6010500 Бошланғич таълим йўналиши 1-курснинг 1- семестридаги ўқув-танишув амалиёти 2 босқичда амалга оширилади: 1-босқич 1-3 ҳафта мобайнида амалга оширилиб-пассив (услубшунос раҳбарлигида) амалиёт деб аталади. Амалиётнинг биринчи куни таълим муассасасидаги ташкилий анжумандан бошланади. Амалиёт раҳбари таълим муассасаси маъмурияти билан келишган ҳолда ўқув амалиётининг режасини ишлаб чиқади. Ўқув ишлар бўйича директор ўринбосари амалиётчиларни техника ҳафсизлиги коидалари билан таништиради. Амалиёт даврида талабалар дастурда белгиланган барча талабларни бажарадилар; олинган ахборотларни мустақил равишда қайта ишлайдилар таҳлил қиласидилар, ҳисбот хужжатларини тўлдириб борадилар.

Ўқув амалиётининг 2-босқичи 2-семестрда 2 ҳафта мобайнида амалга оширилиб 1-курснинг якуний амалиёти ҳисбланади. Бу босқичда амалиётчилар ҳисбот хужжатларини тўлдирадилар. Амалиётчининг ҳисбот хужжатларига қўйидагилар киради: хафталик иш режа, кундалик, бир ўқувчига ва синф жамоасига ёзилган тавсифнома, синф раҳбарининг иш фаолиятини ўрганганилиги ҳақида маълумот (иш режалар, дастурлар, сценарийлар). Бошланғич таълим бакалаврлари якуний анжуманда чикиш қилиш учун ўзларининг тақдимотларини тайёрлайдилар. Бу тақдимотлардан талабаларни амалиёт ҳақидаги фикрлари, йўл қўйилган камчиликлар асосида ўрганилиб амалиётчи ўқув – танишув амалиётининг ташкилланишига баҳо беради.

Ўқув-танишув амалиёти ОТМда якуний анжуман билан хулосаланади. Амалиёт натижаларига кўра талабаларга табақалаштирилган балл (баҳо) қўйилади: талабага балл (баҳо) қўйишда унинг амалиёт давридаги барча фаолияти (ўқув, услубий, тарбиявий, илмий-тадқиқот) инобатга олинади.

Якуний балл (баҳо) талабанинг ўқув амалиёти давомида олиб борган бир неча фаолият турларини қай даражада бажарилганлиги бўйича қўйилади. Баҳолаш мезонларига қўйидагилар киради:

- барча топшириқларнинг тўлиқ бажарилганлиги;
- касбий фаолият билан боғлиқ кўникмаларни намоён эта олиш даражаси;
- топшириқларни бажаришдаги ижодкорлиги даражаси.

Бўлажак бошланғич таълим ўқитувчиларида педагогик вазифаларни бажаришда тез-тез учраб турадиган муаммолар турли таълим тизимларига мослашиш имконини берувчи билим, кўникма ва малакаларнинг етишмаслиги ҳамда шахсий педагогик фаолликни намоён эта олишдаги тажрибасизлик бўлиши мумкин.

Ўқув-танишув амалиётининг янги модели ёрдамида қўйилган касбий-мослашиш муаммоларини ҳал этишни таъминловчи асосий таркибий-мазмунли ўзгаришларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. Факультет раҳбари томонида ташкил этилган ўқув амалиётига оид семинар машғулотлари (замонавий бошланғич таълим ўқитувчисининг педагогик фаолиятини ўрганиш).
2. Турли таълим муассасаларининг илғор тажрибали ўқитувчилар иштирокида мастер – класс дарсларини ўтказиш.
3. Амалиёт дастурига таълим муассасаси ҳақида маълумотларни ўрганишга йўналтирилган топшириқларни киритиш:
 - ✓ моддий-техник таъминланганлиги (жиҳозлари, мактабдаги озиқ-овқатлар);
 - ✓ мактаб хужжатлари (мактабнинг ички тартиб қоидаси, мактабдаги тартиб бузарликлар, тулли хизматнинг мавжудлиги в.б.);
 - ✓ мактабнинг молиявий-хўжалик ишлари;
 - ✓ ДТС бўйича қилинган ишлар;
 - ✓ Бўш иш ўринларига мутахассисларни қабул қилиниш механизmlари;
 - ✓ электрон хизматлар;
 - ✓ таълим (мактабнинг таълим соҳасмда ютуқлари, ўқув режалар ва дастурлар, макиабга ўқитувчиларни қабул қилиш кўлами, ракамли таълим ресурсларнинг мавжудлиги, дарс жадвали, якуний аттестация);
 - ✓ раҳбарият ва педагогик кенгаш;
 - ✓ таълим муассасининг таркиби ва бошқарувчи органлари.

Хулоса қилиб айтганда ўқув-танишув амалиётини муваффақиятли ўтиши ОТМ ларда амалиёт учун яратилган замон талабларига мос келувчи дастурлар мазмуни, методи ва шаклига боғлиқ. Ўқув-танишув амалиётида талабанинг янги шароитга мослашиши ва педагогик фаолиятнинг барча бўлимлари билан танишишлари учун нафақат мутахассислик кафедра ўқитувчилари балки педагогика-психология кафедраси ўқитувчиларини ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар:

1. Белькова А. Е., Икингрин Е. Н. Реализация компетентностного подхода в процессе прохождения педагогической практики (на примере НГГУ и ШГПИ) // Реализация компетентностного подхода в образовательной практике педагогических учебных заведений: Сборник статей / Под науч. Ред. С. И. Поздеевой. Томск: Изд-во ТГПУ, 2007. С. 83–88.
2. Педагогическая практика по специальности 050300.62 — «Филологическое образование»: Методические рекомендации для студентов 4 курса / Сост. А. Е. Белькова. — Нижневартовск: НГГУ, 2013. — 26 с.
3. Yusupov, M. M. (2021). Educational Practice as a Tool in the Formation of Professional Competence of Future Primary Education Teachers. International Journal on Orange Technologies, 3(4), 301-305.
4. Nizamova, S. U., Isakov, S. Z., & Yusupov, M. M. (2022). Historical And Linguistic Study Of Uzbek Nicknames. Journal of Positive School Psychology, 150-158.
5. Yusupov, M. M. (2022). The issue of scientific and methodological support of students during the period of continuous educational practice. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(09), 209-213.

6. Mamadalievich, Y. M., & Shaxzoda, N. (2022). YOSHLARNI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASH. ILM-FAN TARAAQQIYOTIDA ZAMONAVIY QARASHLAR: MUAMMO VA YECHIMLAR, 149-151.
7. Tolipov, R., & Yusupov, M. (2022). THE ROLE AND IMPORTANCE OF THE FORM OF EDUCATION IN IMPROVING THE EFFECTIVENESS OF THE LESSON. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 1633-1637.
8. THE NEWSPAPER "SADOI FERGHANA" IS THE NEWSPAPER OF THE FERGANA REGION YM Mamadalievich, TR Mamasolievich *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 10 (12), 1236-1240
9. Shuxratjon, Q. (2022). COMMONALITY OF LANGUAGE AND CULTURE. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES* ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876, 16(06), 58-61.
10. Kalandarov, S. S., & Tukhtasinova, S. (2021). On euphemisms and their classification. *ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH*, 10(5), 777-781.
11. Qalandarov, S. S., & Dadaboyeva, M. K. Teaching Quality Vocabulary in Primary School Native Language Lessons through Modern Pedagogical Technologies. *International Journal of Innovative Research in Science, Engineering and Technology*.
12. Qalandarov, S., & Alimova, M. E. Integration of Subjects "Native Language and Reading Literacy" and "Fine Arts and Technology" in Primary School. *International Journal of Innovative Research in Science, Engineering and Technology*.
13. Sh SH, Q., & Yuldasheva, F. M. Distinctive Features of the Period of Teaching Literacy in Elementary Grades. *International Journal of Innovative Research in Science, Engineering and Technology*.
14. Qalandarov, S. Development of Linguocreative Thinking of Schoolchildren, Primary Classes. *International Journal of Innovative Research in Science, Engineering and Technology*.
15. Erkinovna, Y. M. (2022). USING THE FINNISH EDUCATIONAL EXPERIENCE IN THE DEVELOPMENT OF COGNITIVE ACTIVITY OF FUTURE TEACHERS BASED ON AN INNOVATIVE APPROACH. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 1415-1420.
16. Erkinovna, Y. M. (2022). The process of development of professional and cognitive activity of students. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(09), 267-268.
17. Erkinovna, Y. M. (2022). THE ROLE OF ACTIVE LEARNING METHODS IN INCREASING THE LEARNING ACTIVITY OF FUTURE TEACHERS IN INNOVATIVE EDUCATIONAL CONDITIONS. *Conferencea*, 49-52.
18. Erkinovna, Y. M. (2022). THE IMPORTANCE OF INCENTIVENESS IN THE DEVELOPMENT OF STUDENT ACTIVITIES IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(07), 68-71.
19. Dilnoza, Djamiliddinova. "Comments on Studying Linguopoetic Properties of Terms in a Textual Aspect." *ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies* 7.5 (2018): 37-44.

20. Mikhajiddinovna, Jamolitdinova Dilnoza. "The history of the study of terminology in Uzbek linguistics." *ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies* 8.8 (2019): 50-56.
21. Mikhajiddinovna, J. D. "THE HISTORY OF THE STUDY OF TERMINOLOGY IN UZBEK LINGUISTICS. ANGLISTICUM." *Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies* 8.8 (2019): 50-56.
22. Jamoliddinova, D. M. "Semantic-grammatical and lingvopoetic features of parentheses units in artistic speech." *Tashkent: Fan* (2011): 93.
23. Jamoliddinova, Dilnoza Mirxojiddinovna. "TERMINOLOGY AND PROFESSIONAL VOCABULARY." *Scientific Bulletin of Namangan State University* 2.10 (2020): 294-298.
24. Джамолиддинова, Дильноза Мирходжиддиновна. "ТЕРМИН ВА СЎЗНИНГ ФАРҚЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ." *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА* 3.5 (2020).
25. Jamoliddinova, D. M. "Semantic-grammatical and lingvopoetic features of parentheses units in artistic speech." *Tashkent: Fan* (2011): 93.
26. Джамолиддинова, Дильноза Мирходжиддиновна. "ТЕРМИН ВА СЎЗНИНГ ФАРҚЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ." *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА* 3.5 (2020).
27. Jamoliddinova, Dilnoza. "The poetical actualization of terms in the literary works (As the sample of the works of askad mukhtar, abdullah kahhor and ulmas umarbekov)." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 24.6 (2020): 2597-2602.
28. Жамолиддинова, Д. М., and III. Р. Тожибоева. "THE SEMANTIC AND GRAMMATICAL PROPERTIES OF PARANTEZ." *Учёный XXI века* 4-1 (17) (2016): 67-68.
29. Zhamaliddinova, D. M., and Sh R. Tozhiboyeva. "THE SEMANTIC AND GRAMMATICAL PROPERTIES OF PARANTEZ." *Ученый XXI века* 4-1 (2016): 67-68.
30. Жамолиддинова, Дилноза Мирхожиддиновна, and Шарифахон Рустамовна Тожибоева. "СЕМАНТИКО-ГРАММАТИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ПАРАНТЕЗ." *Ученый XXI века* (2016): 68.
31. Mirhojiddinovna, J. D., Shavkatovna, A. M., & Aljonovna, M. D. (2022). Lingupoetic Features Of Unconventional Combinations And Agricultural Terms In Literary Texts. *Journal of Positive School Psychology*, 6(11), 1599-1604.
32. Жамолиддинова, Д. (2009). Бадий нутқда парантез бирликларнинг семантик-грамматик ва лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. *Диссер автограферат. Тошкент.*
33. Dilnoza, J. (2022). Pedagogical Foundations of Formation of the Concept of National Pride in Elementary School Students. *INTERNATIONAL JOURNAL OF INCLUSIVE AND SUSTAINABLE EDUCATION*, 1(5), 79-81.
34. Jamaliddinova, D. M. (2022). THE IMPORTANCE OF USING INTERACTIVE TECHNIQUES AND INDEPENDENT WORK IN TEACHING THE TOPIC "ORGANIZED FRAGMENTS" IN PRIMARY SCHOOL NATIVE LANGUAGE LESSONS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 1270-1279.
35. Mirhojiddinovna, D., & Jamoliddinova, D. (2022). THE IMPORTANCE OF CRITICAL THINKING IN PRIMARY CLASS EDUCATION SYSTEM. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 1117-1119.

36. Zhmoliddinova, D. M. (2022). Some Comments on the Vertical and Horizontal Relations of Terms in the Work of Art. *Web of Scholars: Multidimensional Research Journal*, 1(5), 145-148.
37. Jamaliddinova, D. M. (2022). CULTIVATION OF ORAL SPEECH AND THE FORMATION OF THE SKILL OF CREATIVE THINKING IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 1081-1087.
38. Jamaliddinova, D. M. (2022). THE SYSTEM OF CASE AND THE STUDY OF NOUNS IN PRIMARY SCHOOL. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 1088-1095.
39. Mirhojiddinovna, J. D., Bakhodirovna, S. D., Otakozievna, A. S., Makhmudovna, A. K., & Jumanovna, U. G. (2022). Peculiarities Of Studying The Linguopoetic Features Of Historical Terms In A Text Environment. *Journal of Positive School Psychology*, 6(11), 1595-1598.
40. Абдурахманов, У., Тошматова, О., & Мелиева, Х. (2022). Umumta'lim mакtablarida matematika fanini o 'qitishning zamonaviy didaktik vositalari va muammoli ta'lим texnologiyasi. *Общество и инновации*, 3(3/S), 231-238.
41. Shoqosim o'g'li, A. U., Xafizaliyevna, M. X., & To'lqinjon, G. O. (2022). MODERN DIDACTIC MEANS OF TEACHING MATHEMATICS IN SECONDARY SCHOOLS AND PROBLEM EDUCATIONAL TECHNOLOGY. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(4), 460-467.
42. Мелиева, Х. Х. (2021). Игра «найти задуманное число». *INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION*, 2, 94-96.
43. Мелиева, Х. Х. (2018). Таълим жараёнини самарали ташкил этишда ўқувчиларда онгли интизомлиликни шакллантиришнинг ўзига хос жиҳати. *Современное образование (Узбекистан)*, (5), 17-23.
44. Мансуров, М., Мелиева, Х., & Султанов, Д. (2016). Приёмы и виды контроля знаний учащихся по математике. *Молодой учёный*, (3-1), 12-14.
45. Устаджалирова, Х. А., & Мелиева, Х. (2015). Развитие творческих способностей учащихся на уроках математики с применением информационных технологий. In *Теория и практика современных гуманитарных и естественных наук* (pp. 56-58).